

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ**

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ЖАҲОН ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР  
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 141.336:281 (Ғаззолий)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Sciences (DSc)**

**Музаффаров Фируз Давронович**

Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафий фанлар тараққиётидаги ўрни ва  
роли ..... 5

**Музаффаров Фируз Давронович**

Место и роль имама Газали в развитии мировой философской науки ..... 31

**Muzaffarov Firuz Davronovich**

The place and role of Imam Ghazali in the development of world philosophical  
science ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of works published ..... 64

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ**

**ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ЖАҲОН ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР  
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Fal57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Наврўзова Гулчехра Неъматовна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Мадаева Шахноза Омонуллаевна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хажиева Мақсуда Султоновна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хандамова Маърифат Акрамовна  
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил "23" ноябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12.23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил "9" ноябрь кuni тарқатилди.  
(2022 йил "9" ноябрь даги 27 рақамли реестр баённомаси.)



Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

Шодмонов Қ.Б.

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳодисалар инсон ҳаёти ва дунё ҳамжамияти мазмуни тубдан ўзгараётганлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳодисаларнинг таъсири, хусусан, ахлоқ, тарбия, ўзаро мулоқот, маданият ва дин соҳаларида кўзга ташланиб, асрлар давомида Ислом цивилизацияси ривожига ва таъсири остида халқлар дунёқараши, оламни ақлий ва рухий ҳис қилиш шаклланган бўлсада, бугунги кунда маънавий трансформация ва модернизация жараёнида янгича мазмунга эга бўлмоқда. Маданий ҳаётнинг ўзгариши, эгоцентризм, маънавий қашшоқлик, моддиятпарастлик, оилавий қадриятларнинг емирилиши, миллий анъана ва урф-одатларнинг инкор этилиши ҳамда авлодлар ўртасидаги алоқанинг узилиши каби иллатларга қарши курашда Имом Ғаззолий таълимотининг фалсафий фанлар тараққиётидаги ўрни ва роли ҳамда назарий-методологик, ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий жиҳатларини очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтлари томонидан Шарқ мутафаккирларининг фалсафий фикр тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганишга оид фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Фан-техника тараққиёти даврида, маънавият моддиятга боғлиқ бўлган бир пайтда фалсафий тафаккурни инсон ва унинг камолоти, ахлоқий қадрият ва меъёрларни ҳимоя қилиш, маданият ва тамаддун вакиллари ўзларининг ахлоқий қадриятлар тизимини қайта кўриб чиқишга ва ҳозирги глобаллашган воқелик талабларига мос келадиган тафаккурни шакллантириш зарурияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, уни амалга оширишда Ислом маданиятининг фалсафий, маънавий ва илмий мероси, шунингдек, тасаввуфий-ирфоний таълимотлари билан умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатган мутафаккирларнинг қарашларини ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, "...жамиятда порахўрлик ва коррупцияга қарши ўзига хос "маънавий иммунитет"ни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Наср Форобий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг нафс тарбияси, ахлоқ комиллиги ҳақидаги фикрлари асрлар мобайнида миллий шуур ва онгни шакллантиришда яқиндан ёрдам берган"<sup>1</sup>. Маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялаш бугунги ислохотларимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири экан бу борада Имом Ғаззолийнинг фалсафа, мантиқ, ахлоқ илмларидаги ўрнини аниқлаш, ушбу масала юзасидан тадқиқотларни янада чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 420.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Шарқ мутафаккирларининг фалсафий ғояларини ўрганиш ва унинг фалсафий тафаккур тараққиётига таъсири масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Al-Ghazali center (Буюк Британия), The Islamic Madhahib University (Техрон), Columbia college Columbia university in the city of New York (АҚШ), Yale university (АҚШ), Imam Ghazali Institute (АҚШ), Санкт-Петербург шарқ қўлёзмалар институти (РФ) томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Имом Ғаззолийнинг фалсафий фанлар тараққиётидаги ўрнини аниқлаш масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: School of Oriental and African Studies University of London ([www.soas.ac.uk](http://www.soas.ac.uk)) ва University of Cambridge томонидан 1917 йилдан бошлаб Bulletin of School of Oriental and African studies журнали нашр этилади. Ғаззолий қарашларининг ривожланишида ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий-маърифий муҳит, унинг дунёқарашида кечган инқироз

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://alghazalicentre.co.uk/>; (<https://www.tehrantimes.com/print/420318/>; <https://www.college.columbia.edu/core/content/al-ghaz/>; <https://religiousstudies.yale.edu/people/frank-griffel>; [www.soas.ac.uk](http://www.soas.ac.uk); <https://www.imamghazali.org/>; <http://www.orientalstudies.ru/>; <http://www.oxfordislamicstudies.com>; <https://www.bips.ac.uk> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган

сабаблари таҳлил қилиниб, мутафаккир қарашлари тарихий усул доирасида тадқиқ қилинган ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-диний позицияси илмий асосланган.

Оксфорд университетида ислом дунёсини тўғри тушунтиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ғаззолийнинг мусулмон илмий-диний ҳаётида тутган ўрни, онтологик ва гносеологик қарашлари, унинг ислом дини, калом, мантик, сўфийликдаги роли ва ўрни, перипатетикларга бўлган муносабати, Шарқдаги перипатетизмни танқид қилиши, суннийлик билан тасаввуфни бирлаштиришга қўшган ҳиссаси, фалсафа ва диннинг ўзаро боғланиши, ақл ва кашфиёт масалалари илмий асосланган.

British institute of Persian studies институтида “Иран” деб номланган онлайн журнал нашр этилади. Имом Ғаззолийнинг “Илоҳий файз” назарияси, илоҳий билимлар, қалб, диний тажриба, сабабийлик, ирода эркинлиги, султонликни, халифаликни классик назариясининг ривожини, суннийлик сиёсий доктринасининг шаклланиши, умматнинг тамойиллари, имом ва султонларнинг диний, суд ва ижро амалиёти соҳаларида вазибалари муаммолари бўйича Ғаззолий ғояларининг моҳияти тадқиқ этилмоқда<sup>3</sup>.

Жаҳонда Имом Ғаззолий маънавий меросини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Ғаззолийнинг файласуфлар билан баҳсига доир; Ғаззолийнинг исмоилийлар билан баҳс-мунозарага оид; фалсафа ва мантиққа тегишли; ахлоққа доир асарлар; замонавий социология методларидан фойдаланиш орқали амалга оширилган қиёсий тадқиқотлар; Ғаззолийнинг “Диний илмларни жонлантириш” асарига бағишланган тадқиқотлар; мутафаккирнинг муайян асарларига доир тадқиқотлар; таржималарига шарҳлар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тадқиқотчилари томонидан Имом Ғаззолийнинг диний-фалсафий дунёқараши, сиёсий-давлатчилик, фикҳий-ахлоқий улкан мероси, ибратомуз ҳаёт йўли, мўъжизакор, жозибали тасаввуфий-ирфоний изтироблари, тавба-тазаррулари, ислом, шариатга қайта ҳаёт бағишлаган жасорати доимо бутун инсоният афкор оммаси, илғор илм-фан, фалсафа, дину-ирфон вакиллари диққат марказида қизгин ўрганилиб, талқин этилиб келинмоқда. Жумладан, М. Буиж, П. Менаск, Н. Решер, Д. Селман, Д. Пирсон, К. Броккелман, Ф. Жабре, А. Паласиос, М. Смит, Г. Лей тадқиқотлари<sup>4</sup> бу борада муҳим аҳамиятга эга.

<sup>3</sup> <https://www.bips.ac.uk/>

<sup>4</sup> Bouyges, M. Essai de chronologic des oeuvres d'al-Ghazali (Algazel), ed. M. Allard, Beirut, 1959.; Menasce, P. J., de, Arabische Philosophie, (Bibl. Einbuhr. in das Stud. der Philo) Bern 1948, pp.31-35.; Rescher, N., The Development of Arabic Logic, - London 1964, pp.165-167.; Selman. D., Algazel et Les Latins; in, Archives d'Histoire Doctrinale et Litteraire du Meyon Age, (1935-6), pp.103-127. Pearson, J. D., Index Islamicus, Cambriges 1958, pp-150-152; S.I. (Cambridge 1962), p.50; S.I. (1967), p.47; Brockelmann, C., Geschichte der arabucschcn Litteratur, (1<sup>st</sup>.ed.) Weimar 1890, pp.419-426; (2<sup>nd</sup>.ed.) Leiden 1943, pp. 535-546; Supplementbande, Leiden 1937, pp.744-756; Jabre, F., La biographie et' oeuvre de Ghazali reconsidered a la lumiere Tabaqot de Subki; in Melanges de l'Institut Dominicain d'Etudes Orientales, I (1954), pp.73-102; Margaret Smith, M.A Al-Ghazali the mystic. Hijra International Publishers Mian Chambers, 3-Temple Road, Lahore, 1983; Герман Лей. Очерк истории средневекового материализма. Москва: Издв ИЛ. 1962. – С. 129-143.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида В. Наумкин, А. Сагадеев, Н. Кирабаев, Т. Ибрагим, А. Игнатенко, А. Ерохин каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар<sup>5</sup> Имом Ғаззолийнинг мусулмон диний дунёқарашидаги ўрнини очиб беришда тарихий аҳамият касб этади.

Имом Ғаззолий маънавий мероси ва унинг диний-реформаторлик фаолияти араб олимлари Юсуф ал-Қарзавийнинг “Имом Ғаззолий мақтов ва танқидлар орасида”, Солиҳ Аҳмад аш-Шомийнинг “Имом ал-Ғаззолий”, Хусайн Аминнинг “Ғаззолий фақиҳ, файласуф ва мутасаввиф шахс”, Абдуламир ал-Аъсамнинг “Файласуф ал-Ғаззолий”, Абдулкарим ал-Усмоннинг “Ғаззолий биографияси ва унинг ҳақида замондошларининг фикрлари”, Абду Раҳмон Бадавийнинг “Инсон ва унинг араб тафаккуридаги моҳияти” ва “Ғаззолий асарлари” номли тадқиқотлари<sup>6</sup> мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда мутафаккирнинг илмий меросини ўрганишга катта эътибор қаратила бошланди. Имом Ғаззолийнинг ҳаёти, илмий-маънавий мероси ва тасаввуфий-фалсафий ҳамда ахлоқий қарашлари тўғрисида тадқиқотчи олим, файласуф ва шарқшунослардан М. Болтаев, Г. Наврўзова, Ҳ. Саломова, Қ. Назаров, Ш. Мадаева, М. Хажиева, М. Ҳандамова ва Н. Сафарова томонидан баъзи жиҳатлари фалсафий таҳлил қилинган<sup>7</sup>.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таснифи шуни кўрсатадики, улар асосан исломшунослик, шарқшунослик, манбашунослик йўналиши доирасидаги тадқиқотлар бўлиб, Имом Ғаззолийнинг фалсафий фанлар

<sup>5</sup> Наумкин, В. В. Абу Хамид ал-Газали. Ихйа’ ‘Улум ад-Дин / перевод с арабского, исследование и комментарий. Москва, 1980; Наумкин, В. В. Абу Хамид аль-Газали, «Правильные весы» / перевод с арабского, исследование и комментарий. Москва, 2008.; Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. / Сост. С.Н. Григорян, А.В. Сагадеев. Москва: Соцэкгиз, 1961. – 632 с.; Кирабаев Н. С. Ал-Газали и философия восточного перипатетизма // Вестн. Моск. ун-та. сер. 7. Философия. 2011. № 6. – С. 3-12.; Ibraghim T. K. On Ghazali’s Critique of Falsafah. Conference paper // International Conference on al-Ghazali’s Legacy: Its Contemporary Relevance. Kuala Lumpur, 24—27 Oct., 2001.; Игнатенко А. Познавать Непознаваемое (ал-Газали о рациональном познании трансцендентного – ал-гайб) // Средневековая арабская философия. Проблемы и решения. М., 1998. – С. 175-178.; Ерохин А.К. Мистико-теологические идеи философии образования аль-газали в их современном прочтении // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Философские науки. 2009. № 4. – С. 91-95.

<sup>6</sup> Юсуф ал-Қарзавий. Ал-Имом Ғаззолий байна мадиҳи ва накидиҳи. Байрут: Муассасат ал-рисола, 1994. – 196 б.; Солиҳ Аҳмад аш-Шомий. Ал-Имом Ғаззолий. Дамашк: Дар ал-қалам, 1993. – 264 б.; Хусайн Амин. Ғаззолий фақиҳан ва файласуфан ва мутасаввифан. Бағдод: Матбаат ал-Иршод, 1963.; Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. - Қоҳира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988. – 244 б.; Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва аквол ал-мутақаддимин фиҳи. Дамашк, 1961. – 222 б.; Абдурахмон ал-Бадавий. Муаллафот ал-Ғаззолий. Кувайт: Ваколат ул-Матбуот, 1977. – 650 б.

<sup>7</sup> Болтаев М.Н. Абу Али Ибн Сина - великий мыслитель, ученый-энциклопедист средневекового Востока // 2002. 400 - с.; Болтаев М.Н. Имом Ғаззолийнинг ирфоний таълимоти // Бухоро университети илмий ахборотлари – 2002. № 2 – Б. 2-7.; Наврўзова Г.Н. Ибн Сино ва Ғаззолий. Абу Али ибн Сино таваллудининг 1125 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий семинари материаллари. Бухоро. 2005. –Б. 45-47.; Наврўзова Г.Н. Ғаззолийнинг фалсафага муносабати. Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари. (Тўплам). Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. 1-китоб. – Б. 103-105.; Саломова Ҳ. Ғаззолий ва мезон // Шарқ юлдузи – 1996. -№ 5. – Б. 152-156.; Назаров Қ. Жаҳон фалсафа комуси. 2-китоб. Тошкент: Маънавият, 2019. – Б. 672-673.; Мадаева Ш.О. Мусулмон ҳуқуқшунослиги ва унинг тарихий идентификацион хусусиятлари // Марказий Осиё ренессанси журнали. Тошкент, 2021. № 1. – Б. 16-29.; Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-маърифий қарашларининг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Muharrir, 2012. – 134 б.; Ҳандамова Маърифат Акрамовна. Абу Райҳон Берунийнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари. Монография. Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 132 б.; Сафарова Н.О. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадриятлар масаласи. Фалс. фанл. номзоди илмий дар. олиш учун ёзилг. диссертацияси. Тошкент. 2002. – 149 б.

тараққиётидаги ўрнини аниқлаш бўйича яхлит комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаган. Демак, диссертация мавзуси доирасидаги муаммо шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2022 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Имом Ғаззолийнинг фалсафий фанлар тараққиётидаги ўрни ва ролини илмий-назарий жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Имом Ғаззолийнинг ҳаёт йўли, диний-сиёсий фаолияти, илмий меросининг фалсафа илми ривожига ролини аниқлаш;

антропология, инсоншунослик фани ривожига ғоялар ва уларни янги талқин этиш - Ғаззолий йўлининг асоси эканлигини исботлаш;

Ғаззолийнинг ўз янгиловчи ғоялари учун Шарқдаги кураши ва Ғарбий Европа христиан илоҳиётчилиги тараққиётидаги таъсирларини аниқлаш;

“Мақосиду-л-фалосифа” асарининг мазмун-моҳияти ва унда “Қатта шарҳ” усулидаги баён ва таҳлил, хулосаларнинг фалсафий-тарихий қиймати, аҳамиятини кўрсатиш;

Имом Ғаззолий схоластик баҳс-мунозара(полемика) санъати - мумтоз ўрта аср схоластика баҳс-мунозара маданиятининг юксак наъмунаси эканлигини асослаш;

Ғаззолий билиш назариясида мантиқ илмининг ўрнини “Ал-қистосу-л-муस्ताқим” асари орқали очиқ бериш, ахлоқий меъёрларнинг моҳияти, ўрнини кўрсатиш;

Ғаззолийнинг “Тахофуту-л-фалосифа” асарида қўлланилган мантиқий ҳукм, далил ва усулларни аниқлаш;

“Иҳё улуми-д-дин” ислом, шариат ақидавий таълимотининг янги тасаввуфий ахлоқ ғоя, мақсадларига асосланган тизими – Ғаззолий таълимотининг тожи эканлигини асослаш;

Имом Ғаззолий фалсафий меросининг маърифатли жамият, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ва баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Имом Ғаззолий маънавий мероси ва қарашлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Имом Ғаззолий маънавий мероси таҳлили асосида антропология, гносеология, эпистемология, этика, аксеология ва мантиқ соҳаларидаги ўрнини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, анализ ва синтез, диалектик, герменевтик, қиёслаш, таққослаш ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Имом Ғаззолий “Ихё улуми-д-дин” асарида ислом, шариат ва тасаввуф ўртасидаги мутлақ уйғунлик муносабатларини асл диний эътиқод, иймон асослари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиққанлиги, фалсафада инсоншунослик, антропология соҳасида туб бурилиш ясаганлиги далилланган;

“Мақосиду-л-фалосифа” (Файласуфларнинг мақсадлари) асари фалсафа тарихининг муҳим манбавий ҳужжати эканлиги, унда онтология, табиат ва инсон фалсафаси кенг ёритилганлиги ва баҳс-мунозара олиб боришнинг дастлабки усул, воситаларининг юксак намунаси сифатида фалсафий методология ривождаги ғояларни уйғунлаштириш, реформацион ва компромистик ўрни асосланган;

Имом Ғаззолий фалсафанинг гносеология, эпистемология, этика, аксеология соҳалари ривожига таъсир этганлиги, “Ал-қистосу-л-мустақим” (Энг тўғри ўлчов) асарида ислом дини, шариат асосларини илм-фан, фалсафа тамойиллари нуқтаи назаридан ҳимоя қилганлиги далилланган;

Имом Ғаззолий “Тахафуту-л-фалосифа” (Файласуфларнинг ўз-ўзини рад этиш) асарида дин ва шариат асосларини илм-фан, фалсафада ақлий билиш (рационализм) ва юксак инсоний шаън (гуманизм) талабларини, усул, метод, принциплар воситаларини, мантиқий-гносеологик ва эпистемологик асосларни қўллаб, дин, шариатни янгича йўл билан ҳимоя қилишга киришганлиги очиб берилган;

Имом Ғаззолий юксак ақлий, фалсафий талаб, меъёрлар асосида шариатнинг асосий қоидалари ва Аристотель системасига таянган ҳолда том маънодаги этика “Ахлоқ илми” ни яратгани асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Имом Ғаззолийнинг дунёвий ақлпарварлик ва тасаввуфий-ирфоний зоҳидликни бирлаштириш, тадрижий уйғунлаштиришга интилиб, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий кучларни яраштириш, консенсус – муроСага келтириш фаолияти очиб берилган;

Ғаззолийнинг гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси аниқланган;

Имом Ғаззолий фалсафий қарашларининг умумтасаввуфий моҳияти ва конструктив аҳамиятга эгалиги, илмга даъват қилиши, инсон маънавиятига эҳтиром сингари хусусиятларининг ёшлар тарбиясига таъсири аниқланган;

Имом Ғаззолийнинг маънавий-руҳоний, диний-ирфоний қарашлари “оммавий маданият” ва турли ғоявий таҳдидларга қарши курашишда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар,

таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ислом дини, илоҳиёти ва фалсафаси моҳиятини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, замонавий ёшларда интеллектуал фазилатларни, маънавий-ахлоқий ривожланишни шакллантиришда назарий-методологик асос сифатида “Ижтимоий ҳаёт ва дин”, “Фалсафа”, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Этика” фанлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Маънавият ва маърифат” марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида, халқаро илмий-тадқиқот марказларининг буюк мутафаккирларнинг илмий ва диний меросини ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида, оммавий ахборот воситаларининг кўрсатувлар ва медиа материалларини тайёрлашда, диний-маърифий лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафий фанлар тараққиётидаги ўрни ва ролини илмий-назарий жиҳатдан очиқ бериш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Имом Ғаззолий “Ихё улуми-д-дин” асарида ислом, шариат ва тасаввуф ўртасидаги мутлақ уйғунлик муносабатларини асл диний эътиқод, иймон асослари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиққанлиги, фалсафада инсоншунослик, антропология соҳасида туб бурилиш ясаганлигига оид илмий-назарий хулосаларидан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан нашр этилган соф ислом эътиқоди ва таълим-тарбияга оид Ҳаким Термизийнинг “Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши”, “Нафс одоби”, “Нафс риёзати” ва “Касб-тирикчилик баёни” номли рисоалар, Сўфи Оллоҳёрнинг “Сабот ул-ожизийн” ҳамда Абу Исо Термизийнинг “Аш-Шамоил ал-Муҳаммадийя” ва “Сунани Термизий” асарларини таржимасини тайёрлашда ва мазмунини тўлдиришда амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Термизий халқаро тадқиқот марказининг 2022 йил 5 июлдаги 01-07/117-сон далолатномаси). Натижада, диний таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Мақосиду-л-фалосифа” (Файласуфларнинг мақсадлари) асари фалсафа тарихининг муҳим манбавий ҳужжати эканлиги, унда онтология, табиат ва инсон фалсафаси кенг ёритилганлиги ва баҳс-мунозара олиб боришнинг дастлабки усул, воситаларининг юксак намунаси сифатида фалсафий методология ривождаги ғояларни уйғунлаштириш, реформацион ва компромистик ўрни асосланганлигига оид илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифларидан Ўзбекистон

Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф1-95 “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” мавзусидаги фундаметал лойиҳа доирасида тайёрланган “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” номли монографиянинг “Ўрта Осиё мутафаккирларининг фанлараро ёндашувга оид ғоялари” мавзусини ёритишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 26 майдаги 01/11-2974-сон маълумотномаси). Натижада, монографияни Ўрта аср ислом шарқи мутафаккирлари, хусусан Имом Ғаззолийнинг гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига кўшган улкан ҳиссасига алоқадор шу вақтгача номаълум бўлган жиҳатларга оид қарашлари билан мазмунан бойитишга хизмат қилган;

Имом Ғаззолий фалсафанинг гносеология, эпистемология, этика, аксеология соҳалари ривожига таъсир этганлиги, “Ал-қистосу-л-муствақим” (Энг тўғри ўлчов) асарида ислом дини, шариат асосларини илм-фан, фалсафа тамойиллари нуқтаи назаридан ҳимоя қилганлигига доир илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизация маркази таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизация марказининг 2022 йил 14 июлдаги 539-сон далолатномаси). Натижада, жамиятда ахлоқий кадриятларни тарғиб қилишда илмий хулоса, тавсиялар ва таклифлардан тарғибот ва ташвиқот фаолиятида фойдаланилган;

Имом Ғаззолий “Тахафуту-л-фалосифа” (Файласуфларнинг ўз-ўзини рад этиш) асарида дин ва шариат асосларини илм-фан, фалсафада ақлий билиш (рационализм) ва юксак инсоний шаън (гуманизм) талабларини, усул, метод, принциплар воситаларини, мантикий-гносеологик ва эпистемологик асосларни қўллаб, дин, шариатни янгича йўл билан ҳимоя қилишга киришганлигига доир назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий-маданий жамоатчилиқни кенг хабардор этиш ҳамда каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини такомиллаштиришда кенг тадбиқ этилган, жумладан, марказ томонидан юртимиз ҳудудида VII-XVI асрларда яшаган 650 нафар Шарқ аллома ва мутафаккирлари ҳақидаги тарихий маълумотларни ўз ичига олган “Ўрта аср Шарқ алломалари” энциклопедиясини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро тадқиқот марказининг 2022 йил 5 июлдаги 02/335-сон далолатномаси). Натижада, энциклопедиянинг мавзуларини илмий манбалар асосида мазмунан бойитишга ва ёшларда маърифий дунёқарашни шакллантириш, фалсафий мушоҳадани кенгайтириш, ислом фалсафаси тўғрисида, радикал ва

деструктив таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришига хизмат қилган;

Имом Ғаззолий юксак ақлий, фалсафий талаб, меъёрлар асосида шариатнинг асосий қоидалари ва Аристотель системасига таянган ҳолда том маънодаги “Ахлоқ илми” ни яратгани каби илмий-назарий хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва сохани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастурининг III йўналишга оид миллий давлатчилик тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, аждодларга муносиб қилиб тарбиялашда адабиёт, маданият, санъат намуналаридан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари” 19 банди буюк алломаларимизнинг машҳур асарларнинг қисқача шарҳи ва мазмунни очиб берувчи мобил илова яратишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 20 майдаги 02/02/870-сон далолатномаси). Натижада, диссертацияда илгари сурилган таклифлар, тавсия ва хулосалар ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида миллий ва диний бағрикенгликни шакллантириш, илм олишга интилишни рағбатлантириш ва ундаш, ахлоқий тарбияни ривожлантириш ва тажовузкор радикал ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда ижобий таъсир этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та илмий мақола (10 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, ўн икки параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 236 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг

жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Имом Ғаззолий – инсоншуносликка оид диний ва дунёвий фанларни уйғун, меъёрга келтирган буюк мутафаккир”** деб номланган биринчи бобида Ғаззолийнинг ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, илмий мероси ва дунёқараши, антропология фани ривожига доғри ҳолатлар, “Ихё улуми-д-дин” асари, Ғаззолийнинг ўз янгиловчи ҳолатлари учун Шарқдаги кураши ва Ғарбий Европа христиан илоҳиётчилиги тараққиётидаги таъсирлари таҳлил этилган.

Диссертацияда Имом Ғаззолийнинг ҳаёти, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит (XI асрнинг иккинчи ярми XII аср боши) ни ўрганишда асосий манбалардан бири мутафаккирнинг ўлимидан чорак аср ўтгандан сўнг Абдулғофир ал-Форисий (1059–1135 йй) томонидан ёзилган “Ас-сийяқ ли-тарих Найсабур” асари ҳисобланиши, шу билан бирга Ғаззолийнинг шогирди ва дўсти Абу Бакр бин ал-Арабий “Ал-қавосим вал-авосим” (Парчалаб юборувчилар ва ҳимоя қилувчилар) асарида эътиборга молик муҳим маълумотларни, хусусан, Имом Ғаззолийнинг Бағдодда яшаган даври ҳамда кўрганлари<sup>8</sup> тўғрисидаги воқеалар тарихий-фалсафий тадқиқ этилган.

Тадқиқот ишида Ғаззолий яшаган даврнинг мураккаблиги, ижтимоий-сиёсий вазият, Низомулмулкнинг маърифат ва таълим соҳасидаги ислохотлари, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик сабаб халифаликда вужудга келган турли теологик ҳолатий ҳаракатлар ва улар қарашлари ўртасидаги рақобат ҳамда кураш буюк аллома, мутафаккирнинг етишиб чиқишига замин яратганлиги таъкидланади. Бундай мураккаб даврда суннийлик оқимини кучайтириш ва ҳимоя қилиш зарур эди. Ғаззолий бу вазифадан ташқари софистлар, таълимийлар, ботинийлар, мутакаллимлар қарашларига шубҳа билан қараб, сўфийлар қарашларига рационал ва мантиқий-фалсафий нуқтаи назардан ёндашиб, инсоншунослик фалсафаси бўлган тасаввуфнинг устунлигини асослаб берди. Мутафаккир фикрича, нафсшунослик инсонни маънавий-руҳий камолотга етказиш, унинг ахлоқини шакллантириш ва тарбиялашда илоҳий моҳият билан узвий боғлиқдир.

Имом Ғаззолий яратган янгиловчи таълимот - руҳияти бўшашиб қолган, катта ижтимоий барақарорлигини, қудратини бир қадар йўқота бошлаган ислом, шариат ва тасаввуф таълимоти яшовчанлигини ошириш, фаоллигини ўстириш, амалий таъсирчанлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, араб-мусулмон жамиятини лоқайдликдан олиб чиқиш, дин, тасаввуфни, уларнинг “сохта дўстлари”, “ҳимоячилари” нинг ўринсиз, ҳатти-ҳаракатларидан қутқаришга қаратилган йўл эди.

Диссертацияда Имом Ғаззолийнинг фалсафа билан жиддий шуғулланиши охир-оқибатда унинг эътиқодида иккиланишлар пайдо бўлишига олиб келгани ва натижада маърифий ва руҳий инқирозни бошдан кечиргани, шунингдек, у ўзининг “Мезон ул-амал” (Амалларнинг ўлчови)

<sup>8</sup> Абдурахмон ал-Бадавий. Муаллафот ал-Ғаззолий. - Кувейт: Ваколат ул-Матбуот, 1977. – Б. 546.

асарида шубҳанинг аҳамияти тўғрисида: “Ким шубҳа қилмаса, тафаккур қилмайди, тафаккур қилмаган кўрмайди, кўрмаган эса сўқирлик, паришонлик ва адашиш ҳолатида бўлади”<sup>9</sup>, деган фикрлари фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертант фикрича, Ғаззолийнинг шубҳага берилган даври иккига бўлинади. Алломанинг биринчи маънавий-руҳий изланишлари аниқ маълумот излашдаги қатъиятсизлиги бўлиб, гносеологик хусусиятга эга. Шубҳалар амалиётининг иккинчи даври Ғаззолийнинг ҳақиқий илмга эришдим, деган даврдан кейин ҳақиқат изловчи тоифалар – калом уламолари, ботинийлар, файласуфлар ва сўфийларнинг қайси бири тўғри ва қайси бири нотўғри йўлда эканини излаган даврдир. Бу изланишлар якунида Ғаззолий сўфийлар йўли ўз турмуш тарзига яқинроқ эканини тушунади, лекин ҳали бу йўлга киришга тайёр эмаслигини англагач, нима қилишни билмай қолади. Бу қарорсизлик унинг учун бир қанча амалий муаммоларни келтириб чиқарди. Ғаззолий бу даврда нафақат оламнинг биринчи сабаби, яъни Аллоҳни излаган, балки ҳақиқий ва тўғри илм ўлчовини ҳам топишга ҳаракат қилган.

Диссертацияда инсоншуносликдаги асосий нарса бу сўфийларнинг асосий вазифаси – олий мақсадга эришиш, ҳақиқатни билишдан иборат эканлиги, бунга таълим орқали эмас, балки ўзида ҳис қилиш (*завқ*), бошдан кечириш (*ҳол*) ва руҳий сифатларни ўзгартириш (*табаддул ас-сифат*) дан иборат<sup>10</sup> эканлиги очиқ берилган. Ғаззолий “Ихё улуми-д-дин” асарида ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз моҳиятини билиш жараёнида ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўз-ўзини билиш эканлигини тушуна бошлайди. Ўзликни англаш – узоқ ва машаққатли жараён бўлиб, у ўзида бир қанча маънавий босқичларни босиб ўтиш билан амалга ошади. Ғаззолий ҳақиқатга эришишнинг асосий усули “тариқат” – яъни Аллоҳга яқинлашишнинг ботиний йўли, деб ҳисоблайди. Бу йўлнинг асосида ахлоқий идеал ғоя ётади. Унингча, “тариқат” – эҳтиросларни жиловлаш, Аллоҳнинг йўлига эргашишга даъват қилиш учун юзага келтирилган. Агар бу амалга ошса, Аллоҳнинг ўзи инсон қалбининг ҳимоячиси бўлади ва унинг қалбини илм нури билан ёритиш мажбуриятини олади. Ғаззолий бу йўлни ўз манзиллари билан номлайди. Унингча, “мақом” Аллоҳга борувчи манзил бўлиб, ҳидоятга элтувчи сифатлардан бирортасига эришишни англатса, “ҳол” эса билиш, ҳолат ва ҳаракатдан иборат<sup>11</sup> жараён. Ғаззолий мулоҳазаларига кўра, ҳар бир манзил сўфийда ўз моҳиятини англаш учун бир воситадир.

Диссертант фикрича, Ғаззолий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари унинг автобиографик асари ҳисобланган “Ал-мунқиз миназ-залол” рисоласида баён қилинган. Ғаззолий ёзади: “Аллоҳ мени марҳамати ва саховати билан бу касалликдан халос этгач, менда ҳақиқатни қидирувчилар

<sup>9</sup> Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Мизан ал-амал. / Сулаймон Дунйа таҳрири остида, Захоир ул-араб, Дор ул-маориф би Миср, 1964. – Б. 4.

<sup>10</sup> Ал-Ғаззолий. Ал-мунқиз мин аз-залол. - Қоҳира: Нашр мавқий ал-фалсафа ал-исломия, 2002. – Б.28.

<sup>11</sup> Абу Ҳамид АЛ-Газали. Воскрешение наук о вери (Ихйа улум ад-дин) / перевод с арабского и комментариев В.В.Наумкин. - Москва: Наука, 1980. – С. 272.

тўрт гуруҳга бўлинади, деган фикр пайдо бўлди: 1. Мутакаллимлар – улар ўзларини мулоҳаза, тафаккур кишилари ва обрўли, донишмадлар (назар ва раъй) аҳли деб биладилар. 2. Ботинийлар – уларнинг ўзига хослиги ўзларини маъсум имомдан келган таълимот соҳиблари, деб эълон қиладилар. 3. Файласуфлар – ўзларини мантиқ ва бурҳон (далил-исбот) аҳли, деб таъкидлайдилар. 4. Сўфийлар – ўзларини ҳақиқатни топишда хос бир қобилиятга эга, мушоҳада ва мукошафа аҳли, деб даъво қиладилар. Шунда ўзимга айтдим, ҳақиқатни излаганлар мана шу тўрт гуруҳдан ташқарида бўлишмайди. Агар ҳақиқат улардан қочса, демак, унга эришиш бесамар ишдир<sup>12</sup>.

Диссертацияда Имом Ғаззолий калом илмини ўрганиб, кейинчалик шу илмнинг нуфузли вакилига айлангани, каломнинг ўсишга, ривожланишга зарурат туғилгани боис ушбу йўналишда Ашъария мутакаллимлари Абулҳасан Ашъарий ва Абу Бакр Боқиллонийлар келтирган далилларга бўйсунгани қаттиқ талаб қилишаётган ва Ашъарийнинг йўлидан четга чиқиш ҳақ йўлдан оғиш, деб қаралса-да, Имом Ғаззолий калом баҳсларида ўз мустақил фикрларини айта олган ва шу услуби билан Ашъарий ва унинг издошлари сингари каломда фақат тақлид йўлини эмас, балки баъзи масалаларда мустақил ёндашувга эга бўлганлиги очиқ берилган.

Диссертацияда Ғаззолий ҳақиқат фалсафада бўлса керак, деган мазмунда илм аҳли англаб етмаган нозик нуқталарни англаб етиш учун фалсафани чуқур ўрганишга киришганлиги очиқ берилган. Мутафаккир фалсафанинг қисмлари, унинг фойда ва зарари, у сабабли куфрга кетиб қолинадиган ва умуман динга алоқаси бўлмаган жиҳатларни айта туриб, фалсафа тарихида амалий таҳлилни бажарган биринчи диний олим сифатида фалсафада илоҳиёт олами ҳақидаги тортишувлар у ахтараётган ҳақиқатни бера олмаслигини тушунгани ва шу тариқа фалсафанинг заиф жойларини чуқур англаб етгани таъкидланади. Ҳақиқатдан ҳам, Ғаззолийдан олдин ва ундан кейин ҳам бирор бир ислом диншунос олимлари томонидан бундай иш амалга оширилмаган. Мутафаккирнинг буюклиги шундаки, у ўзига хос фалсафий методологияни яратиб, фалсафий идрок этиш турига таъсирчан муносабати натижасида теран фикрли кишиларга янги усул ва йўллар қидиришга имкон яратди. Бу эса унинг ўз даврида мураса фалсафасининг асосчиларидан бири эканлигини кўрсатади.

Диссертацияда аллома фалсафани ўрганганидан кейин, бор куч-ғайратини сўфийлик йўлига қаратгани, уларнинг йўли илм ва амал билан яқунланиши, ушбу йўл оламни тушунишнинг ўзига хос диний-фалсафий ва ахлоқий шакли сифатида Имом Ғаззолий дунёқараши шаклланиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидланади. Унинг тасаввуф муаммоларига нисбатан чуқур ва ноодатий ёндашуви Ҳақ йўлидан бораётганларнинг энг ишончлиси ҳам, тавҳид аҳлининг пешқадамлари ҳам, энг тўғри ҳаёт тарзига эга бўлганлар ва энг покиза ахлоқ соҳиблари ҳам бу - сўфийлардир, деган ғоятда муҳим хулосага олиб келди. Аллома ўзидан

<sup>12</sup> Ал-Ғаззолий. Ал-мункиз мин аз-залол. - Қоҳира: Нашр мавкиъ ал-фалсафа ал-исломия, 2002. – Б. 9.

олдинги сўфий муаллифлар анъанасини давом эттириб, тасаввуфдаги Ҳақ маърифатига етиш босқичларини тизимлаштирди. “Ихё улуми-д-дин”да уларни қуйидаги тартибда келтиради: *тавба, сабр, шукр, хавф (қўрқув), ражо (умид), фақр, зуҳд, таваккул, маҳаббат*. Аллома барча ҳолларни кутқазувчилар – мунжиёт деб номлаб, уларнинг барчаси инсонни мақсад сари, яъни йўлчи (*солик*) ни охириги натижа Аллоҳни таниш бўлган нажот топишга етаклайди<sup>13</sup>, дея хулоса қилади.

Диссертацияда Имом Ғаззолийнинг ислом, шариат ва тасаввуф масалаларида машшоййун, табииййун илм-фан, фалсафа вакиллари билан Шарқда олиб борган эътиқодий ва амалий курашлари, бениҳоя мураккаб, кенг қўламли ва оғир кечганлиги, унинг номи, таълимоти билан боғлиқ христиан Ғарбий Европасида илк ўрта асрлардан бошлаб давом этган жараёнлар ҳам ўта мураккаб, катта таъсир кучига эга бўлганлиги очиб берилган.

Бир томондан, шундай диний-мафкуравий ҳолат вужудга келган эдики, Ғаззолий асарлари, таълимоти, ғоялари, интилишлари, истак-хоҳишларга қарама-қарши ўлароқ, христиан илоҳиётчилари, зиёлилари ўртасида, ўша даврда Шарқдан келаётган энг илғор саналган илм-фан, фалсафий ғоялар, янги ҳаёт, тараққиёт учун кураш ғоялари, қарашлар ифодаси, деб қаралган. Ҳатто, Аристотель, Форобий ва Ибн Сино таълимотлари, қарашлари сифатида олиб қаралиб, христиан илоҳиётчилари уларга қарши кайфиятда бўлганликларини Немис файласуфи, дин тарихи мутахассиси Х.Лей<sup>14</sup> ўзининг диққатга сазовор ҳар икки асарида муфассал кўрсатган.

Бошқа томондан эса, Ғарбий Европа христиан католик, протестантизм “Авлиё Оталари” Улуғ Альберт, Фома Аквинский ва бошқалар томонидан Ғарбдаги илғор оқимларга қарши Падуя, Турин, Сорбонна (Париж) ва Лондон қироллик университетларидаги оғир ва ўта мураккаб жадалиё курашларда назарий-мантиқий ва методологик таянч вазифасини ўтаган, диний-мафкуравий ғоялар курашига катта таъсир кўрсатган. Ана шу маънода Имом Ғаззолий таълимотидаги ғоялар, асарлари Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам жаҳон илм-фани, фалсафаси тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатганлиги асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби бўйича тадқиқотчи: биринчидан, Ғаззолийнинг бой мероси, ўлмас ғоя, мақсад, қадриятлари бизгача етиб келган, улар халқимизнинг энг кенг ёйилаётган турли иллатлардан ҳали-ҳамон соғ-саломат сақлаб келаётганлиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган тарих ҳақиқатидир;

Ўрта аср мустабидлиги, илоҳиёти - калом зўравонлиги ўз чўққисига кўтарилган бир даврда, Имом Ғаззолий илк бор ислом, шариатда илмий-ижодий фикр эркинлиги, эътиқодий сабр-тоқатлилик, илмий ҳақиқатни қўлга киритиш усулларини қўллаш, тан олиними мумкинлиги, кафолатланганлиги, динимизга илмий холислик, беғаразлик, адл-инсоф бегона эмаслиги ва

<sup>13</sup> Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. İhyâu Ulûmi'd-Dîn, I-IV, trc. Ahmet Serdaroğlu. İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. cvi+1056+924+896+1184 s.

<sup>14</sup> Лей Г. Очерк истории средневекового материализма. - Москва: ИИЛ, 1962. – С. 129-142.

бунинг тўғри эканлигини ислом, шариатда тан олинисини Фаробий ва Ибн Сино ғоялари, дунёқарашлари, кураши мисолида исботлаб кўрсатди;

Имом Ғаззолий фалсафадан бошқа барча илм-фанларнинг ислом, шариатга алоҳида фойда ёки зарари йўқлиги, лекин, уларни ўрганиш, илмий кашфиётлар қилиш фойдадан, савобдан холи эмаслиги, мусулмонлар жамияти фаровонлиги, уларнинг муносиб хурмат топишлари асосларидан бири эканлигини асослаб берди;

Имом Ғаззолий илмий холис, беғараз танқиддан, нафақат табиатшунослар, файласуфлар, адиб ва сиёсатчилар, балки расмий ислом, шариатнинг расмий, “сохта ҳимоячилари”- мутакаллим, фақиҳ, муфассир, муҳаддис ёки суфий орифлар ҳам ташқарида қолиши мумкин эмаслиги принципини амалда қайтадан йўлга қўйди, кейинги даврдаги барча оқимлар, мактаблар, таълимотлар, умумий “Consensus”га эришиш учун замин яратди. Ғулуъчи суфий Орифлар - “Васл”чилар жазаба, шатаҳатларини мўътадиллик остига олди, “Комил инсон”лик намунасини кўрсатди, дея хулоса чиқарилган.

Диссертациянинг **“Имом Ғаззолийнинг “Мақосиду-л-фалосифа” асари ва унинг фалсафий фанлар ривождаги ўрни**” деб номланган иккинчи бобида “Мақосиду-л-фалосифа” асарини тадқиқ этиш, “Қатта шарҳ” усулидаги баён ва таҳлил, хулосаларнинг фалсафий-тарихий қиймати, аҳамияти ва Имом Ғаззолий баҳс-мунозара санъати - мумтоз ўрта аср схоластика баҳс-мунозара маданиятининг юксак намунаси эканлигига доир масалалар таҳлиliga қаратилган.

Диссертациянинг ушбу бобида Ғаззолийнинг бутун араб-мусулмон жамияти, маданияти, илм-фани, фалсафасига хос қатор риёзат-ижтиҳодлар воситасида дин ва шариат асосларини ҳимоя қилишни, илгариги замонлардагидек эскича, ақидапарастлик, салафларга кўр-кўрона эргашиш билан эмас, балки тамомила янги усул, принциплар, ғоялар воситасида файласуф, ҳатто бидъат мазҳабларлар вакилларининг илм-фанда, фалсафада ўзлари ўта моҳирлик, қойил мақом тарзда қўллайдиган ақлпарастлик (рационализм) ва юксак инсоний шаън (гуманизм) талабларини, усул, метод, принциплар воситаларини, яъни, мантикий-гносеологик ва эпистемологик асосларни қўллаб, дин, шариатни янгича йўл билан ҳимоя қилишга киришганлиги очиб берилган.

Имом Ғаззолий бирор бир файласуф, оқим ёки мактаб вакиллари билан, масалан, Форобий, Ибн Сино каби дарғалар билан жиддий баҳс - мунозараларга киришар экан, аввало ўзининг “Мақосиду-л-фалосифа” асарида, мазкур “Машшоййун” ва “Табииййун” оқимлари вакиллари таълимот, қарашларини энг ибтидосидан то охириги якунигача мукамал, бирма-бир келтириб, таҳлил этиб, умумлаштириб, бунинг устига, қатъий илмий ва манбавий холис, тугал тавсифлашга ҳаракат қилган.

Диссертант “Мақосиду-л-фалосифа” асари герменевтик услуб асосида ёзилган ва шунинг учун ҳам Имом Ғаззолийни фалсафий матнни тушуниш, англаш моҳиятининг асосий услуби бўлган герменевтиканинг асосчиларидан биридир, деган фикрни илгари сурган.

Диссертант Имом Ғаззолийнинг барча фалсафий мавзулар, бидъат мазҳаблар таълимотлари, ақидалари билан кураш билан боғлиқ асарлари, улар билан кураш заруриятидан ташқари, фалсафанинг илмий холислик, тарихийлик, мантикий изчиллик, таҳлил, таҳқиқ, ақлий далиллаш, амалий ҳаётда тасдиқланиши каби талабларини чуқур, аниқ таърифлаш, умумлаштирувчи ҳулосалар чиқаришдаги унумлилиги нуқтаи назаридан назарий-методологик ва амалий-эътиқодий, мафкуравий ва дунёқараш, эътиқодий мақсадлари жиҳатида мўлжалга аниқ йўналтирилганлиги билан яққол ажралиб туради. Шунинг учун ҳам, Имом Ғаззолийнинг фалсафа тарихидаги, хусусан, мумтоз ўрта аср араб-мусулмон жамияти илм-фани тараққиётидаги ўрни, аҳамияти нафақат Шарқда, балки жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида ҳам катта, таъсирли бўлган, деган умумлаштирувчи ҳулосага келган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, “Мақосиду-л-фалосифа” асари оғир фундаментал баҳс-мунозара олиб боришнинг яққол намунаси бўлиб, кўзда тутилаётган баҳс-мунозара мавзуси, муаммоси устида биринчи қадамдаёқ манба матнини ўта аниқ, тартибли келтириш, чалкашлик ёки атайлаб матнни бузиб келтирилишга йўл қўймаслик, ўринсиз тафсилотларни муҳолиф томонга, муаллифга нисбат бермаслик ва демак, баҳс-мунозарани аввал бошдан соғлом, собит ният билан бошлаш, ҳар икки томоннинг баҳс мунозарадан мақсади ўта жиддий, холис эканлигини яққол кўрсатиш, фақат ва фақат илмий холис ҳақиқатни аниқлаш, ишончли исбот-ҳукмга эришишни кўрсатиш учун қилинган.

Имом Ғаззолийнинг илмий, диний, ирфоний ҳақиқатларни аниқлаш, исботлашга интилишидаги қатъийлиги, шиддати шу даражада кучли, мурасасизлиги шунда эдики, у ҳатто, муҳолифлар, масалан, Форобий ёки Ибн Синоларнинг ўзлари қандайдир мажҳул ниятларда, атайлаб ёки бирон бир сабаб, масалан, муомала-мулозамат заруратидан келиб чиққан ҳолда, ўз матнларига ўзгартириш киритиш ва шу билан мантикий исботга эришиб бўлмайдиган “далиллаш”, “исботлаш” қопқонига тушириш ниятида, ўз асарлари матнига, ўзларига нисбат берилишига йўл қўймаслик жиҳатларидан асосий матнни нуқсонсиз, айниқса, иқтибос, ҳаволаларни тўғри келтириш, ҳатто саҳифаларни чалкаштирмасдан келтиришни талаб қилган. Ғаззолий мураккаб, муфассал далиллаш, исбот усулларига мурожат қилиб, бу борадаги ўз устунлигини моҳирона намоён қила олган.

Диссертацияда “Мақосиду-л-Фалосифа” асари муқаддима ва учта асосий қисмдан иборат эканлиги таъкидланади. Асарнинг мантиқ деб номланган биринчи бўлимида мантиқ тўғрисида сўз, мантиққа кириш, унинг фойдаси ва қисмлари баёни, сўз семантикасига доир биринчи санъат (далолат ул-алфоз), маънолар йиғиндиси, унинг нисбати ва қисмларига доир иккинчи санъат, лексика (таркиб ул-муфрадот) ва унинг бўлимлари шаклланишига доир учинчи санъат, қиёслар (ал-қиёсот) баёни, ихтилоф ва барқарорлик қиёси, мисоллар ва таркибий ўлчовлар (қиёсот мураккаба) (ёки қиёснинг таркибий қисмлари), ушбу муқаддимотлар йўналишидаги чекловлар, қиёс баёнининг хотимаси, қиёс ва далил билан боғлиқ ҳолатларга доир бешинчи санъат,

далилнинг барча дастлабки шартлари баёни (муқаддимот ул-бурхон-силлогизмнинг дастлабки фикрими ё нуқтаи назар)<sup>15</sup> каби масалалар таҳлил этилган.

Асарнинг илоҳиёт бўлими икки муқаддима билан бошланади. Биринчи муқаддимада илмларнинг таснифи, илоҳий илм предмети ва ундан келиб чиқадиган ушбу уч илм мавзуси баёни тўғрисидаги иккинчи муқаддимада эса математика, табиат ва метафизик билимларнинг мавзуларига оид маълумотлар билан давом эттирилади. Ушбу бўлим жами бешта мақоладан иборат бўлиб, унда Ҳаюло ва суратнинг бўлинмаслиги (мавжудлиги) тўғрисида мулоҳаза, Аъроз (акциденция) тўғрисида фикр, ушбу аърозларнинг алоҳида қисмлари тўғрисида мулоҳаза, Вожиб ул-вужуд зоти ва унинг қисмлари тўғрисида иккинчи мақола, Ал-аввалнинг сифатлари, ундаги даъволар ва бошланиш ҳақидаги учинчи мақола ва сифатлар тўғрисидаги хотима сўз, тўртинчи мақола ва бешинчи мақола<sup>16</sup> билан яқунланади.

Асарнинг учинчи бўлими табиат билимлари, деб номланади ва беш мақолани ўз ичига олади. Унда табиатлар тўғрисидаги учинчи санъат, ҳаракатнинг биринчи жиҳати, ҳаракатнинг сабабига доир иккинчи жиҳат, ҳаракатнинг учинчи жиҳати, ўсимлик, ҳайвоний ва инсоний нафс тўғрисида тўртинчи мақола, зоҳирий идрок тадқиқоти тўғрисида мулоҳаза, ботиний ҳисслар тўғрисида мулоҳаза, инсоний нафс тўғрисида мулоҳаза, аклий фаолият (ал-ақл ул-фаол)дан нафсларнинг файзга тўлиши тўғрисида бешинчи мақолада аллома файласуфлар қарашларини муфассал баён этади<sup>17</sup>.

Диссертант Имом Ғаззолий икки йилдан кўпроқ давом этган фалсафий изланишлари натижасида Абу Наср Фаробий, Ибн Сино асарлари ва уларда илгари сурилган ғояларни пухта ўзлаштирган. Шундан сўнг файласуфлар даъволарини очиқ бериш мақсадида “Мақосиду-л-фалосифа” асарини ёзган, - деган хулосага келган.

Диссертацияда “Мақосиду-л-фалосифа” асаридаги “Машшоиййун” ва “Табиййун” фалсафий оқимлар ғоялари, муаммолари, шахсиятлари, эътиқод ва қарашлари “катта шарҳ” усулида аниқланиб, илмий, фалсафий-тарихий, холис, тўлиқ ва мукамал баён этилган, деб хулосаланган. Ўрта ва Яқин Шарқ араб-мусулмон илм-фани, фалсафасида муаммоларни текшириш учун фалсафа тарихида қатъий анъана тусини олган “шарҳлаш”нинг “катта шарҳ”, “ўрта шарҳ” ва “мўъжаз шарҳ” хулосаларига асосланилган. “Мўъжаз шарҳ” усулида кўпроқ Форобий ўз асарларини ёзиб, машҳур бўлганлиги яхши маълум. “Катта шарҳ” усулида асар яратиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Имом Ғаззолий эса, универсал ва умумлаштирувчи мухтасар ва “катта шарҳ” усулида “Мақосиду-л-фалосифа” асарини ёзган.

Имом Ғаззолий, фақат Форобий, Ибн Синонигина Аристотелнинг муносиб шогирди, издоши, маслакдошлари, деб беҳад юксак баҳо берган.

<sup>15</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Мақосид ул-Фалосифа. - Дамашқ: Матбаат ус-сабох, 2000. – Б. 18-55.

<sup>16</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Мақосид ул-Фалосифа. - Дамашқ: Матбаат ус-сабох, 2000. – Б. 61-155.

<sup>17</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Мақосид ул-Фалосифа. - Дамашқ: Матбаат ус-сабох, 2000. – Б. 164-211.

Табийки, унинг дин, илоҳиётдаги маслакдошлари томонидан қоралашга уриниш, таъна-дашном тошларини отганлари бежиз, тасодифий эмас эди. Бу эса Имом Ғаззолийнинг илм-фанда, фалсафадаги нақадар юксак, улуғ бўлганлигининг исботи, эътироф этилиши сифатидагина баҳоланишга лойиқ эканлигини кўрсатади холос.

Диссертацияда “Мақосиду-л-фалосифа” асари тўла маънода баҳс-мунозара олиб боришнинг дастлабки асоси, усул, воситаларининг юксак намунаси, илмий ва фалсафий муаммоларни дин тазйиқи, илоҳиёт - калом мафкуравий зуғумидан кўркмасдан ўртага қўйиш, уларга бирма-бир ақлий-мантикий исбот келтириб, рад этиш, фош этиш имкони яратилганлигини яққол кўрсатувчи муҳим манбавий ҳужжат эканлиги таъкидланади.

Диссертациянинг “Имом Ғаззолийнинг мантиқ фани ривождаги муҳим ўрни, аҳамияти” деб номланган учинчи бобида Ғаззолий билиш назариясида мантиқ илмининг ўрни, “Тахофуту-л-фалосифа” асарида қўлланилган мантикий ҳукм, далил ва усуллар, шунингдек, Ибн ал-Арабийнинг Имом Ғаззолийга берган таърифи ва унинг фалсафий-тарихий аҳамияти тадқиқ этилган.

Диссертант Имом Ғаззолий илмий меросида, фалсафий асарлари қаторида бевосита еттидан ортиқ “Ал-мунтаҳал фи илми-л-мантиқ” (Диалектика илмида танланма), “Меъёру-л-илм фи фанни-л-мантиқ” (Мантиқдаги илм меъёрлари), “Меъёру-л-укул” (Ақллар меъёри), “Маҳакку-н-назар фи-л-мантиқ” (Мантиқдаги қарашлар мезони), “Ар-рисолатту-л-қудсия фи қавоиди-л-ақлия” (Ақлий қоидалар тўғрисида муқаддас рисола), “Ал-маъорифу-л-ақлия ва лубобу-л-ҳикмати-л-илоҳият” (Ақлий билиш ва илоҳий ҳикматнинг моҳияти), “Ал-қистосу-л-мустақим” (Энг тўғри ўлчов) каби мантикий рисолалар ёзганлигини таъкидлайди. Гегель “Ғаззолий метафизика ва мантиқ соҳасидаги ишлар муаллифи. У “Шарқнинг ўткир зеҳнли скептиги эди”<sup>18</sup> - деганида нақадар ҳақ бўлганлигини, у мумтоз араб-мусулмон фалафаси, мантиқ илми ютуқларидан бир мунча яхши хабардор бўлганлигини билиб оламиз.

Диссертацияда Имом Ғаззолий ўзининг диний-илмий ижоди, сиёсий-мафкуравий фаолиятида, шу жумладан, унинг диний-фалсафий қарашлари, таълимоти, айниқса, унинг илмий ижоди ва амалиётининг энг илғор қисми бўлган - “билиш назарияси”да, илмий билиш шакл ва усуллари, ўша даврда энг илғор, қудратли ҳисобланган ҳар бир муаммо, принцип, хулосани объектив-илмий далиллаш, таҳлил ва тадқиқ усул ва шаклларини қўллаган ҳолда, муайян хулосага мантиқдаги силлогистик исбот асосида ҳукм чиқаришга эришиш, ҳаммани бундай ҳукм-хулосага ишонтириш, лол қолдириш жиҳатлари жуда кучли, катта ўрин тутгани таъкидланган.

Диссертацияда Имом Ғаззолийнинг “Ал-қистос ул-мустақим” асари ботиний исмоилийлардан бўлган (аҳл ут-таълим) таълимий бир рафиқни<sup>19</sup> учратиб, унинг маърифат ҳақиқатини қайси мезон билан ўлчайсан? Ар-раъй

<sup>18</sup> Гегель. Сочинения. Т. II. - Москва, Ленинград: Государственное социально-экономическое издательство (Соцэкгиз), 1935. – С. 105.

<sup>19</sup> Рафиқ – аҳли таълим оқими аъзоси, ўртоқ, биродар деган маънода бир-бирларини номлаганлар.

ал-қиёс (фикр ва аналогия) биланми ёки имомнинг сўзлари биланми? – деган саволига жавоб тарзида ёзилганлиги таъкидланади. Ғаззолий саволга жавоб берар экан, мен сенга Қуръонда туширилган бешта мезонни очиб бераман, токи уни ҳар қандай имомдан афзал бил ва сўқирлик чегарасидан ошиб ўтгин, сенинг содиқ имоминг Мустафо с.а.в. ва раҳбаринг Қуръон, услубинг эса мушоҳада ва кўриш бўлсин. Билки, Қуръоннинг мезонлари асосан учта: мувозанат мезони (мезон ут-таодул) (иккита тенг қимматли асос бор, худди тарози паллалари каби), хослик мезони (мезон ут-талозум) (буюмга хос бўлган барча нарсалар ҳар қандай ҳолатда ҳам унга тааллуқлидир) ва қарама-қаршилиқ мезони (мезон ут-таонуд) (икор ва тасдиқ ўртасида икки қисмнинг жойлашиши). Аммо, мувозанат мезони уч қисмга бўлинади: катта, ўрта ва кичик. Шундай қилиб уларнинг бари бештадир”<sup>20</sup>. Мутафаккир билимнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун инсон ўз тафаккурига таяниши ва у кўрсатган мезонлардан фойдаланиши мумкинлигини таъкидлаб, асосан, диний, ахлоқий масалаларни мантиқий асослаш, ўз мулоҳазаларини баён қилишда аналогия (ўхшатиш)дан фойдаланади ва уни Қуръон суралари билан асослайди.

Ғаззолий ушбу асарда мантиқ ва диний илмлар ўртасидаги муносабатга алоҳида эътибор қаратади. Ушбу силлогизмнинг ҳар бирини асарнинг алоҳида бобларида таҳлил қилади. Уларнинг ҳар бирини қўлланилиши, аҳамияти, таърифи ва Қуръондаги ўрнини кўрсатиб беради<sup>21</sup>. Баҳсли масалалар ечимини топишда тўғри усуллардан бири эканлигини тан олади ва уни Қуръон ёрдамида тўғрилигини аниқлашни талаб қилади<sup>22</sup>. Унинг фикрича, мантиқий қоидалар Юнонистондан эмас, балки Қуръон томонидан исботланган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Имом Ғаззолий Аристотель мантиғидан ташқари унинг бошқа услубий мулоҳазаларига салбий муносабатда бўлиб, мусулмонлар рози бўладиган ва ихтилофларни бартараф этадиган умумий методология сифатида мантиқни керакли фан, деб ҳисоблайди. Яъни, диний илмларга мантиқни методология сифатида олиб киради.

Диссертацияда Имом Ғаззолий мантиқда Аристотель мантиғида бўлмаган фикр каби масалаларни киритгани, бошқа фанлар каби мантиққа ҳам ҳаётийлик олиб киргани таъкидланади. Мутафаккир мумтоз мантиқ қоидаларининг тўғрилигига Қуръондаги оятлардан мисоллар келтиради. Бу билан Ғаззолий мантиққа диний тус беради ва уни динни тушунишнинг зарур шarti, деб кўрсатади. Айнан мана шу хизмати туфайли, ундан кейин ёзилган фикр асарлар кириш қисмига мантиқий сўзбоши ёзиш анъанага айланди. Ғаззолий эътирофича, Аристотель мантиғининг фойдаси шундаки, у нафақат мавҳумликдан аниқликка боради, балки билимни жаҳолатдан фарқлашни ҳам ўз ичига олади. Унингча, илмни жаҳолатдан ажратишнинг

<sup>20</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Ал-қистос ул-мустикаим (Ал-мавозин ул-хамса лил-маърифати фил-Қуръон). Маҳмуд Байжу шарҳи. Дамашк: Ал-матбаъат ул-илмия, 1993. – Б. 23-30.

<sup>21</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Ал-қистос ул-мустикаим (Ал-мавозин ул-хамса лил-маърифати фил-Қуръон). Маҳмуд Байжу шарҳи. Дамашк: Ал-матбаъат ул-илмия, 1993. – Б. 18.

<sup>22</sup> Хужжат ул-ислом Аби Ҳомид ал-Ғаззолий. Ал-қистос ул-мустикаим (Ал-мавозин ул-хамса лил-маърифати фил-Қуръон). Маҳмуд Байжу шарҳи. Дамашк: Ал-матбаъат ул-илмия, 1993. – Б. 16.

маъноси – қалбнинг ривож ва саодатидир. Бахт инсоннинг камолотга етишиши билан, камолотга етишиш эса, фақат мантиқ тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган тўғри билим билан бўлади.

Диссертацияда Имом Ғаззолий ислом тафаккурида Аристотель мантиғини қабул қилиб, унинг барча фанлар учун методология эканлигини ва тўғри билиш қуроли вазифасини бажаришини жиддий далиллар билан кўрсатиб, ўзидан кейин бу фаннинг қабул қилинишига катта ҳисса қўшганлиги таъкидланган.

Диссертант Имом Ғаззолий ўзининг “Ихёу улуми-д-дин” шоҳ асарида табиатшунос файласуфларнинг бидъат қарашларга олиб борувчи хулосаларини асосли, далилланган исботлар шаклида рад этиш, ислом дини, шариат, бутун араб-мусулмон жамияти асосларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадларини қандай қўзлаган бўлса, мантикий рисолаларида эса ислом дини, шариат асосларини илм-фан, фалсафа принциплари нуқтаи назардан кучли ҳимоя қилиш, далиллаб бериш ва исботлашни назарда тутган эди, деган хулосага келган.

Диссертант Ғаззолийнинг “Тахофуту-л-фалосифа” асари сўзбоши, тўрт муқаддима, йигирмата фалсафий муаммони ўз ичига олган асосий матн ва фалсафага оид фикрий ҳукмлар берилган якуний қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди. Сўзбоши ва кейинги тўрт муқаддимада файласуфлар, улар қарашларини таҳлил этишга туртки бўлган сабаблар ва уларнинг ғоялари манбалари, улар ўртасидаги зиддиятлар, фалсафанинг алоҳида бўлимлари ва улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталиб ўтади. Дин, уларнинг бири-бирига тўғри келмайдиган томонлари, аниқ фанлар ҳақида сўз боради. Мантиқ ва фалсафа ўртасидаги муносабат ҳақида сўз юритилади, шунингдек, асарда ўзи кўриб чиқадиган йигирмата фалсафий муаммоларни тушунтиради ва тартиблайди<sup>23</sup>. Муқаддималарда ифодаланган анашу мақсаддан келиб чиқиб, файласуфларнинг йигирмата қарашларини ўрганишга киришган олим, аввало, бошқа тарафнинг фикрларини қисқача баён қилади. У йигирмата фалсафий масалани муҳокама қилишда файласуфлар ўз фикрларини асослаш учун илгари сурган далилларнинг бирортаси ҳам аниқ фалсафий далил сифатида қабул қилиниши мумкин эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Диссертацияда Ғаззолий сабаб ва оқибат тўғрисидаги файласуфлар қарашларини таҳлил қилар экан, улар ўртасидаги боғлиқликни муқаррар, деб ҳисобламаслиги таъкидланади<sup>24</sup>. Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, сабаб қачонки Аллоҳнинг иродасидан келиб чиқса ва унинг таъсири воситаси бўлсагина тўғри, аниқ ва ишончли бўлади.

Имом Ғаззолий “Тахофуту-л-фалосифа” асарида Аристотель ва Ибн Синоларнинг натуралистик ва рационалистик концепцияларини танқид қилар экан, у перипатетикларни метафизикани шариатга мос келадиган равишда ярата олмаганликлари учун танқид қилади. Файласуфлар куфрда айбланаётган уч саволнинг биринчиси ва энг кўп тарқалгани дунёнинг

<sup>23</sup> Абу Хамид Аль-Газали. Крушение позиций философов. - Москва: Ансар, 2007. – С. 12.

<sup>24</sup> Абу Хамид Аль-Газали. Крушение позиций философов. - Москва: Ансар, 2007. – С. 214.

чексизлиги муаммосидир. Бу оламнинг ва ҳаюло (материя)нинг бошланиши ва охири йўқлиги, азалий ва абадий эканлиги масаласи. Иккинчи уларнинг Худо маърифати ҳар бир одамнинг ҳаракатларини бутунлай тафсилотлари билан қамраб ололмайди, деган қарашларидир. Учинчиси эса, қайта тирилишни рад қилишлари. Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, бу уч масала ислом билан ҳеч қандай ҳолатда мувофиқ эмас.

Диссертацияда кўпчилик ихлосмандлар, шу жумладан, тадқиқотчилар ҳам Ибн Арабийнинг Ғаззолийга берган фавқулотда баҳо, таърифини салбий, бир мунча киноя маънода тушунган, талқин этган. Ҳолбуки Ибн Арабий, Имом Ғаззолийнинг фалсафа, мантиқ илмларига нақадар чуқур кириб бора олганлигини таъкидлаш баробарида, унинг ислом илоҳиётчилари ўртасида илк бор профессионал юксак мантикий тафаккур даража, маданиятни, айниқса, скептик методларни пухта эгаллаганлиги, баҳс-мунозара санъатида беназир бўлганлиги, енгилмас, толмас, собит курашчи эканлигини муносиб эътироф этиб, унинг ўзи илм-фан, фалсафий тафаккурнинг юксак уфқларига кўтарила олганлиги, унда ҳатто муҳолифлари ҳам тасаввур қила олмайдиган ҳақиқатларни кашф этганлиги, етиши қийин, мураккаб бўлган муаммоларни ечиб бера олганлиги ва илмий, фалсафий тафаккур кудратини англаб етганлиги, идрок эта олганлиги, силлогистик исбот усулларида етиб бўлмас юқори тафаккур салоҳияти мавжудлигини эътироф этиб, ана шу - даражада тафаккур юритиш афзаллиги, устунлиги, зарурлигини калом илоҳиётчиси – мутакаллимлардан биринчилардан бўлиб, тан олганлигини мамнуният билан таъкидлаганлиги таҳлил этилган.

Диссертациянинг **“Ғаззолий араб-мусулмон жамияти илм-фани, маданияти, фалсафасидаги ахлоқ илми янги тасаввуфий негизларини яратувчиси”** деб номланган тўртинчи бобида Ғаззолий фалсафасида ахлоқий меъёрларнинг моҳияти, ўрни, адолат ва ҳар икки дунё саодатига эришиш - ахлоқий муносабатларни тартибга солиш ва бошқариш (регуляторлик)нинг бош мақсади, меъёри ва нишонлари, “Ихё улуми-д-дин” ислом, шариат ақидавий таълимотининг янги тасаввуфий ахлоқ ғоя, мақсадларига асосланган тизими – Ғаззолий таълимотининг асоси эканлигига доир масалалар моҳияти очиб берилган.

Имом Ғаззолий ўзининг “Ихё улуми-д-дин” асарида нафақат тасаввуфдаги хурфикрлик, бадъат даъволарнинг асосларини кўрсатиб берди, балки, ислом, шариат ва тасаввуф ўртасидаги мутлақ уйғунлик муносабатларини асл диний эътиқод, иймон асосларини янгидан, қайтадан асослаб берди, нафақат ислом, шариат, бутун араб-мусулмон жамиятини ҳимоя қилган эди, балки, тасаввуфнинг ўзини ҳам ислом, шариат, калом таълимотлари нуқтаи назаридан қандай бўлиши зарурлигини кўрсатиб бериб, уларга нисбатан тасаввуфни “оқлаб” асослаган, охиригача ҳимоя қилган эди, балки, юксак ақлий, фалсафий талаб, меъёр ва мақсадлар асосида қандай янгича ёндашиш, том маънодаги ахлоқ илми, унинг муаммо ва категориялари қандай бўлиши зарурлигини ҳам очиб, амалий ахлоқ методларини асослаб берган эди. Ғаззолий ислом ахлоқи масаласини тасаввуф, шариат ва

пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом феъл-атвори, ҳадисларига мувофиқ ёритган машҳур шахсиятлардан биридир.

Диссертацияда Ғаззолий ахлоқий қарашларида асосий эътиборни нафс тарбияси ва руҳониятни ўткинчи моддий олам билан узишга қаратгани қайд этилган. У ахлоқ масаласи таҳлилида барча ахлоқий тизимлар асосида ётувчи ирода эркинлиги муаммосини кўриб чиқади. Инсон эгоси, яъни “мен”и нафс ул-амморадан нафс ул-мутмаъинна ҳолатига ўтгунига қадар ирода эркинлиги ва сифлий (паст) истаклар билан онгли равишда курашни тақозо этади. Бир томондан Худо барча нарсани ўлчови ва тақсимловчисидир. У моддий оламни ҳаракатлантирувчи қойим (қўзғалмас) зот ва барча яратилган нарсаларнинг ягона таъсир этувчи сабабидир. Коинот ва ерда содир бўладиган барча ҳодисалар олдиндан белгиланган режа асосида ва зарурий тизимга мос равишда рўй беради. Бошқа томондан, инсон ўз амаллари учун жавобгардир, шундан келиб чиқиб дўзах ёки жаннатга тушади. Бу эса тўлиқ ахлоқ эркинлигини назарда тутаяди. Ғаззолий ушбу икки қарашни инсон онгини таҳлил этиш билан муросага келтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, инсон қалби ва руҳида икки хил таассурот ёки ғоя жо этилган. Инсон ҳислар ёрдамида ташқи оламнинг ҳиссий сифатларини олади ёки онгини ўз ҳаракати билан таъминлайдиган ботиний ҳисга эга бўлади. Бу таассуротни Ғаззолий хавотир<sup>25</sup> деб атаб, уларни барча ҳатти-ҳаракатларнинг манбаи дейди. Қалбда ният пайдо бўлади ва таассурот шаклида билиш бошланади. Бу хавотир (таассурот ёки ғоялар) ҳатти-ҳаракатда намоён бўлади. Ўз навбатида уларда ички истак бўлиб, инсонда кучли рағбат (истак, мойиллик) уйғотади. Рағбат ҳатти-ҳаракатнинг вақти келганида қарор ёки эътиқод билан амалга оширилади. Эътиқоддан кейин журъат ва ҳаракатни амалга ошириш истаги – ирода<sup>26</sup> келади. Инсон ирода эркинлиги ва унинг мажбуриятларини белгилаб, ахлоқий масалаларни асослагандан сўнг, Ғаззолий комиллик ва ахлоқни қандай тасаввур қилишини ҳамда уни амалга ошириш воситалари тўғрисидаги қарашларини баён қилади. Унингча, комиллик йўли жуда машаққатли ва узок бўлиб, ҳақиқат изловчидан сабр ва шижоатни талаб қилади. Инсон секин-аста ва йўлдан бурилмай фазилатли турмуш кечирган ҳолда ўз руҳини поклаши ва нафсини иллатлардан тозалаши ҳамда мукамалликка етаклаши керак бўлади. Токи руҳ Аллоҳни танисин ва бу дунёда олий мақсад ҳисобланган илоҳий ишққа етишсин.

Тадқиқот ишида хулқнинг нафсда ўрнашган бир шакл ва ҳайъатдан иборат<sup>27</sup> эканлиги таъкидланади. Шунингдек, илм, ғазаб, шаҳват<sup>28</sup> ва бу қувватлар орасидаги адолат қувватининг ўзаро мутаносиб бўлиши, илм

<sup>25</sup> Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. İhyâu Ulûmi'd-Dîn. Gilt III. trc. Ahmet Serdaroglu. İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. – Б. 15.

<sup>26</sup> Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. İhyâu Ulûmi'd-Dîn. Gilt III. trc. Ahmet Serdaroglu. İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. – Б. 19.

<sup>27</sup> <sup>27</sup> Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. İhyâu Ulûmi'd-Dîn. Gilt III. trc. Ahmet Serdaroglu. İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. – Б. 125.

<sup>28</sup> Шаҳват дейилганда фақатгина жинсий муносабатга алоқадор тушунчалар эмас, балки дунёга боғлиқ барча истак ва иштаҳалар назарда тутилади (Ф.М).

қуввати соғлом бўлар экан, ундан ҳикмат<sup>29</sup> мевалари ҳосил бўлиши, ҳикмат эса гўзал ахлоқнинг боши<sup>30</sup> эканлиги таҳлил этилган ва алломанинг “Мизон ул-амал” (Амаллар ўлчови) асари асосида тадбир билан бошқариш (хусн ут-тадбир), ақл билан ўйлаб иш қилиш (жавдат уз-зихн) ва яхши фикр қилиш (савоб уз-занн)<sup>31</sup> – бу ҳикматнинг фазилати, деган хулосага келинган.

Диссертацияда адолат барча фазилатларни ўзида жам қилиши, унинг акси бўлган адолатсизлик ва шафқатсизлик барча разилликлардан иборат бўлиши, инсон юқорида зикр этилган уч қувват сабабидан барча ушбу сифатлар билан дуч келиши, уларнинг барчасида икки жиҳат мавжуд бўлиб, булар сифатларнинг чегараси ва ўртаси эканлиги, шу асосга кўра, инсонга ўртани тутиш, мўътадилликни сақлаш ва барча нарсада ҳаддан ошиш ҳамда етишмовчиликдан сақланиш илоҳий амр этилганлиги таъкидланган. Агар инсон шунга амал қилса, у комилликка эришади. Шунда у маконига кўра эмас, балки рутбасига кўра, Аллоҳга яқинлашади. Ҳар бир мавжудот ўз имконияти қадар, ўзи эриша оладиган комилликка интилади ва бу унинг мақсади ҳисобланади. Имом Ғаззолий илоҳий неъматларнинг чексизлигини таъкидлаб, уларни беш турга бўлади. Биринчиси охиратдаги саодат (ас-саодат ул-охиравия) бўлиб, у фаноси йўқ бақодир. Улар:

1. Қайғусиз қувонч (сурур ла ғамма фиҳи);
2. Жоҳилликсиз илм (илм ла жаҳла маъаху);
3. Камбағалликсиз бойлик (ғина ла фақра маъаху).

Ғаззолий бу неъматларга Аллоҳнинг ёрдамисиз эришиб бўлмаслигини ва у иккинчи тур билан тўлдирилишини айта туриб, булар руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) эканлигини, улар ҳам тўрт тушунча билан чекланишини кўрсатади:

1. Ақл ва унинг комиллиги – илм;
2. Иффат ва унинг комиллиги – тақводорлик (ал-вараъ);
3. Шижоат ва унинг комиллиги – мужоҳада;
4. Адолат ва унинг комиллиги – инсоф.<sup>32</sup>

Имом Ғаззолий буларнинг барчаси эътиқоднинг асослари (усул уд-дин) эканлигини ва ушбу фазилатлар ёрдамида учинчи турдаги сифатлар мукамал бўлишини, улар тана фазилатлари (ал-фазоил ул-бадания) бўлиб, тўрт тушунчада мужассам эканлигини кўрсатади:

1. Саломатлик (ас-сиҳҳат);
2. Куч-қувват (ал-қувват);
3. Гўзаллик (ал-жамол);
4. Узоқ умр (тул ул-умр).

Тўртинчи турдагилар эса юқоридагиларни тўлдиради. Улар инсонни ўраб турадиган фазилатлар (ал-фазоил ул-мутифа бил-инсон) бўлиб, тўрт нарсада намоён бўлади:

<sup>29</sup> Фойдали билим.

<sup>30</sup> Hücetü'l-İslâm İmâm Gazâlî. İhyâu Ulûmi'd-Dîn. Gilt III. trc. Ahmet Serदारoğlu. İstanbul: Bedir Yayınları, 1974-1975. – Б. 127.

<sup>31</sup> Ўша асар. – Б. 26.

<sup>32</sup> Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Мизан ал-амал. Сулаймон Дунйа таҳрири остида, Захоирул-араб, Дор ул-маориф би Миср, 1964. – Б. 26-31.

1. Мол-давлат (ал-мол);
2. Оила (ал-аҳл);
3. Қудрат (ал-изз);
4. Насл-насаб (карам ул-ашират).

Аллома мулоҳазаларига кўра, бу зикр этилганларнинг барчаси бешинчи тур, яъни илоҳий фазилатлар (ал-фазоил ут-тавфиқия) бўлмаса фойда келтирмаслигини айтади ва уларни ҳам тўрт турга ажратади:

1. Аллоҳнинг ҳидояти (ҳадая Аллоҳ);
2. Аллоҳ тўғри йўлга йўналтириши (ар-рушд);
3. Аллоҳнинг ёрдами (ат-тасдид);
4. Аллоҳнинг мадади (ат-таъйид).<sup>33</sup>

Диссеертацияда Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улуми-д-дин” асари шунчаки ёзилган диний-ирфоний асар эмаслиги, балки, янгидан асослаб берилган ислом, шариат, калом ақидавий таълимоти ва амалиётининг тамомила янги - том маънодаги янги тасаввуфнинг ахлоқий - ғоя, мақсадларига асосланган тизими - Ғаззолий таълимотининг асоси бўлганлиги таъкидланади. У нафақат диний-исломий ёки дунёвий ахлоқни, ҳатто илми-ирфоннинг ўзини ҳам тубдан янгиловчи, ислоҳ қилувчи назарий-методологик ирфоний асосни топган, яратган эди. Имом Ғаззолий илгари сурган мислсиз инсонпарварлик (гуманизм), ақлпарварлик (рационализм) йўли, асл юксак инсоний-ирфоний эзгу ғоя, мақсадларига – ҳақиқий инсоний бахт-саодатга қандай эришиш мумкинлиги ифодаланганлиги намоён бўлади.

“Ихёу улуми-д-дин”нинг асосий бўлимларида аввало, мавзуга оид оят ва ҳадислар изоҳсиз санаб ўтилади. Кейин Хулофаи Рошиддин ва Абдуллоҳ ибн Масъуд, Солмони Форсий, Абу Сулаймон Дороний, Абу Дардо, Абу Зар ал-Ғифорий, Ҳасан Басрий, Сўфён ас-Саврий каби зоҳидлик ва тақвosi билан машҳур бўлган саҳобалар ва тобеин олимлари Жунайд Бағдодий, Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Фузайл бин Иёз, Яҳё бин Муоз каби илк давр сўфийларининг сўзлари келтирилган. Абдуллоҳ бин Муборак, Хорис Муҳосибий, Абу Толиб Маккий, Абдулкарим Кушайрий каби сўфийларнинг асарлари тасаввуфга оид “Ихё”нинг асосий манбаларидир. Имом Ғаззолий уларнинг номларини тилга олмасда, “Ихвон ус-Сафо” рисолаларидан ва Абу Ҳайём ат-Тавҳидий, Ибн Сино, Ибн Мискавайх каби файласуфларнинг асарларидан ҳам баҳраманд бўлган.

Диссертант Имом Ғаззолий ички ва ташқи юксак балоғатлилиқ, чуқур қатъий ирода, онглилик барқ уриб турган шахсият сифатида ўзининг “Ихёу улуми-д-дин” асарида салафлар эътиқод, анъаналарининг софлиги, уларни асраб-авайлаш, ислом, шариатга, унинг давлати, уммасига янгидан фаоллик, ўзига ишонч, қатъий иродалик руҳини бериш - “уларни қайтадан тирилтириш”, уларга янгитдан жўшқин ҳаёт бахш этиш учун жон-жаҳди билан ўзини бағишлаганлигини таъкидлайди. Аллома “Ихёу улуми-д-дин” асарида соғлом расмий ислом, шариатни сақлаш, поклашга, каломни

<sup>33</sup> Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Мизан ал-амал. / Сулаймон Дунйа таҳрири остида, Захоирул-араб, Дор ул-маориф би Миср, 1964. – Б. 31.

фаоллаштиришга, бунда тасаввуф ғоя, амалиётидан самарали фойдаланди. Ғаззолий ўзининг бу ғавқулдда тарихий уриниши ўзига хос “маънавий-мафкуравий инқилоб қилиш” (саҳиҳлаштириш ва ҳидоят йўлига олиб чиқишга) уринишида қайсидир маънода ҳақ эди ва шу маънода Ғаззолий шоҳ асарлари, илғор ғоялари жаҳоншумул машҳур, инсоният ақл-зақосининг нодир, ноёб намуналари бўлиб қолди.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинган:

1. Имом Ғаззолий XI-XII асрларда эркин тараққий эттириш йўллари ва усуллари топиш масалаларида, умуминсоний илм-фан, фалсафий фикр тараққиётининг келгуси тараққиёти йўлларига тўсиқ қўйишга, уларни тизгинлаб туришга уринаётган бутун ўрта аср Шарқ ва Ғарбдаги расмий диний илоҳиёт, диний ақидачилик йўлига тубдан қарама-қарши, илғор ва буткул янги тараққиёт ғоялари, йўллари таклиф эта олганлиги, туб бурилишни амалга оширишда, қатъий иродачиликни намойиш қилганлиги, нафақат Шарқда, балки, ҳали тамомила, ўрта аср диний ҳурофотлари, ғафлат ва жоҳиллик, узлатчи-зоҳидчиликнинг энг оғир кишанлари исқанжасида буғилиб ётган, ҳатто ўзининг бу аҳволини идрок қила олмаётган Ғарбда барча-барчани буюк ҳайрат, лол бўлиб қолиш ҳолатига туширмаслиги мумкин эмас эди.

2. Имом Ғаззолийнинг “Мақосиду-л-фалосифа” асари герменевтик усулда ёзилган асар бўлиб, унда фалсафа тарихидаги Сукрот, Платон, Аристотель, Фаробий ва Ибн Синоларнинг ўрни ва хизмати холисона ёритилган. Шунга асосланиб мутафаккирни фалсафий матнни тушуниш, англаш борасида герменевтиканинг асосчиларидан биридир, деб дадил айтиш мумкин.

3. Имом Ғаззолий бир томондан исломий эътиқод ва юнон донишмандлик анъаналарини уйғунлаштириш орқали мусулмон фалсафий маданиятини янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи томондан эътиқодни файлсуфларнинг адашишларидан тозалади. Унинг онтологиясида табиат олий воқелик сифатида эмас, балки Аллоҳ ҳамма нарсанинг яратувчиси ва белгиловчи қудрат сифатида тан олинисида ифодаланади.

4. Имом Ғаззолий гносеологияда назарий усулда ўзлаштирилган ҳар қандай илм, амалиётга жорий этилиши ва амалий аҳамиятга эга бўлиши, билишда ҳиссий, тафаккур ва руҳий эмоционал жиҳатларни бир-бири билан боғланганлигини асослаб бериши ҳозирги замон билиш фалсафасида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатади.

5. Имом Ғаззолий ўзининг мантиқий рисолаларида ислом дини, шариат асосларини илм-фан, фалсафа нуқтаи назаридан кучли ҳимоя қилиш, далиллаб бериш ва исботлашни назарда тутган бўлиб, унинг ислом

ҳуқуқшунослигини ёритишда мантикий методлардан фойдаланиши ўз даврида мисли кўрилмаган даражадаги иш эди.

6. Мантиқ ва қалбнинг саодати ўртасидаги ўзаро яқин муносабат фақат Имом Ғаззолийга хос усул бўлиб, Аристотель мантикий қарашларида учрамайди. Шу тариқа у юнон мантиқшунослик тизимини исломийлаштириб, уни ислом оламига киритди ва бу уриниш муваффақиятли бўлди. У мантиқни чексиз донишмандликнинг калити ва ҳақиқий билимларни ташхислаш манбаи эканлигини асослаб берди. Мантиқ илмини Фаробий “илмларнинг раиси” деб таърифлаган бўлса, Ибн Сино “илмларнинг ходими”, деб номлаган. Имом Ғаззолий учун эса мантиқ - “илмнинг ўлчови” дир.

7. Имом Ғаззолий “Таҳофуту-л-фалосифа” асарида мумтоз ўрта аср араб-мусулмон файласуфларини, уларнинг асосий қуроли, таҳқиқ усули ҳисобланган мантикий-гносеологик рационал тадқиқ усуллари билан принципиал рад этган ва “Ҳидоят” йўлига ундаган. Унинг фалсафани мураккаб илоҳий масалаларга жавоб беришга ожизлигини исботлашга уриниши кейинчалик теран фикрли кишилар учун мушоҳада мактабининг пайдо бўлишига замин яратди.

8. Имом Ғаззолий нафақат Шарқ перипатетик фалсафасининг сабабият тўғрисидаги ғояларининг заиф томонларини кўра олди, балки у ўз танқидлари билан перипатетикларни ўз фалсафасини ҳимоя қилишга мажбур қилиб, охир-оқибат ушбу мактабнинг мантикий ва фалсафий тизимини ижодий такомиллаштиришга, унинг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

9. Имом Ғаззолий ўзининг фалсафий мулоҳазаларида Аристотель ва унинг издошлари илгари сурган дунёнинг абадийлиги ва унда объектив қонуниятларнинг мавжудлиги ҳақидаги ғояни катъий рад этиб, дунё вақт ва макон жиҳатидан чегараланган бўлиб, макон ва замоннинг ўзи борлиқнинг объектив мавжуд хусусиятлари эмас, балки фақат Аллоҳ томонидан онгимизда яратилган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар, дея хулоса қилди.

10. Имом Ғаззолий “Ихё улуми-д-дин” да исломнинг диний амалиёти ва эътиқоди масалаларини кўриб чиқар экан, эътиқод қилувчининг мукамалликка эришиши йўлида Аллоҳга элтувчи индивидуал йўл ва масъулият асосида ўрганиладиган мавзу сифатида қараб, унга ўзига хос чуқур маънавий услуб билан ёндашади. Шунингдек, у ўз шахсий тажрибасидаги маънавий тиришқоқликка асосланиб, исломдаги маънавий амалиёт билан боғлиқ бўлган қалбнинг яширин сирларини очади. Унингча, ҳиссий ва оқилона билиш Аллоҳни энг олий ҳақиқат сифатида тушунишга имкон бермайди. Бу фақат инсон ўз қалбини поклаши, нафсни тийиши, барча сай-ҳаракатларини Аллоҳга йўналтириши билан амалга ошади.

11. Имом Ғаззолий ахлоқий таълимотининг марказида инсон билими ва эзгу ниятлар орқали олий бахтга эришиш масаласи асосий ўринда туради. Унингча, инсон илоҳий ва ҳайвоний хислатлар каби икки табиатнинг йиғиндисидан иборат бўлсада, унда мутлақ рухнинг бўлакчаси мавжуд

бўлиб, инсоннинг ахлоқи ундаги қайси руҳ устунлик қилишига боғлиқ. Адолат – мутафаккир қарашларида муҳим ахлоқий тушунча бўлиб, унинг мувозанатни сақлаш вазифаси инсонларнинг ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

12. Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафий фанлари тараққиётидаги ўрни ва ролини таҳлил қилишда тизимли ёндашув шуни кўрсатадики, мутафаккирни илм-фан ва тараққиётнинг ашаддий душмани сифатида қараш асоссиздир.

Тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этишга қаратилган қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилган:

1. “Имом Ғаззолий ва жаҳон фалсафаси”, “Имом Ғаззолий ва Шарқ тарбияси” мавзуларида илмий рисоалар тайёрлаш ва уларни нашр эттириш. Кенг китобхонлар оммаси учун Имом Ғаззолий асарларининг электрон каталогини ишлаб чиқиш;

2. Имом Ғаззолий маънавий мероси, асосан ёш авлодни замонавий фан ютуқларига асосланган фалсафий билимлар билан қуроллантириш асосида Олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим-тарбиянинг янги тенденцияларини ишлаб чиқиш;

3. Интернет тизимида Имом Ғаззолий маънавий меросини тарғиб қилувчи миллий веб-сайтлар каталогини тузиш ва уларни домий янгилаб бориш;

4. Имом Ғаззолийнинг онтология, гносеология, антропология, аксиология, этика, эстетика, мантиқ, маънавият ва маданиятга оид фалсафий қарашларини истиқболда яратиладиган янги ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларга киритиш;

5. Имом Ғаззолийнинг “Мақосиду-л-фалосифа”, “Тахофуту-л-фалосифа”, “Ал-қистосу-л-мустақим” асарларини ўзбек тилидаги таржимасини нашр этиш ва ўсиб келаётган ёш авлодни Шарқ алломаларининг бебаҳо мероси билан таништириш, юртимизда шаклланган соғлом ақида руҳида тарбиялашда мутафаккирнинг илмий-назарий ва амалий қарашларидан фойдаланиш;

6. Ҳозирги маънавий таназзул даврида жамиятимиз учун зарур бўлган ҳалоллик, аҳдга вафо, садоқат, имон каби сифатларни кучайтириш ҳамда порахўрлик ва коррупцияга қарши ўзига хос “маънавий иммунитет”ни шакллантиришда мутафаккир таълимотидан самарали фойдаланиш;

7. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясининг миллий дастури учун динийлик ва дунёвийлик тамойилини таълим муассасаларига жорий этиш ва маънавий-маърифий ишларни шу асосда амалда йўлга қўйиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ**

**МЕСТО И РОЛЬ ИМАМА ГАЗАЛИ В РАЗВИТИИ МИРОВЫХ  
ФИЛОСОФСКИХ ДИСЦИПЛИН**

**09.00.03 – История философии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.1.DSc/Fal57.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный консультант:

Наврузова Гулчехра Нематовна  
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мадаева Шахноза Омонуллаевна  
доктор философских наук, профессор

Хажиева Максуда Султоновна  
доктор философских наук, профессор

Хандамова Марифат Акрамовна  
доктор философских наук, доцент

Ведущая организация:

Навоийский государственный  
педагогический институт

Защита диссертации состоится "23" ноября 2022 г. в "10<sup>00</sup>" часов на заседании Разового научного совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М.Икбол, 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 1223). (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан "9" ноября 2022 года.  
(Протокол реестра № 27 от 9 ноября 2022 года.)



Саломова Х.Ю.

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор философских наук, профессор,

Шарипов А.З.

Учёный секретарь научного совета,  
по присуждению учёных степеней,  
доктор философских наук, доцент

Шадманов К.Б.

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Политические, экономические, социальные и культурные события, происходящие в мире, показывают, что содержание жизни человека и мирового сообщества коренным образом меняется. Влияние этих событий, особенно в сферах нравственности, образования, общения, культуры и религии, мировоззрения народов, ментального и духовного восприятия мира, формировалось под влиянием цивилизации Ислама на протяжении столетий, но сегодня оно приобретает новый смысл в процессе духовной трансформации и модернизации. В борьбе против таких черт как изменение культурной жизни, эгоцентризм, духовная нищета, материализм, размывание семейных ценностей, отрицание национальных традиций и обычаев, разрыв между поколениями актуальное значение приобретает выявление места и роли учения имама Газали в развитии философских наук, а также раскрытие теоретико-методологического, идейно-мировоззренческого, духовно-просветительского аспектов его учения.

Фундаментальные и прикладные исследования проводятся ведущими научными центрами и научно-исследовательскими институтами мировой науки для изучения вклада мыслителей Востока в развитие философской мысли. В эпоху научно-технического развития, когда духовность находится в зависимости от материальности, возникает потребность философского мышления в защите человека и его совершенства, нравственных ценностей и норм, необходимость пересмотра представителями культуры и цивилизации своей системы нравственных ценностей и формируется мышление, соответствующее требованиям современной глобализационной действительности.

В нашей стране особое внимание уделяется созданию основ Третьего Ренессанса, реализации философского, духовного и научного наследия культуры Ислама, а также взглядов мыслителей, оказавших несравнимое влияние на развитие мира своим тасаввуф-ирфан учением. Ведь недаром «...особое внимание уделялось вопросам формирования в обществе своеобразного «духовного иммунитета» против взяточничества и коррупции. Мнения таких ученых, как имам Бухари, имам Тирмизи, имам Газали, Бахауддин Накшбанд, Абу Наср Фараби, Джалалуддин Руми, Абдуррахман Джамии, Ахмад Яссави, в вопросах о самосовершенствовании и нравственном совершенствовании непосредственно помогли при формировании национального сознания на протяжении веков”<sup>1</sup>. Воспитание духовно зрелого и совершенного поколения является одной из важнейших задач сегодняшних реформ, в связи с этим важно определить место имама Газали в философии, логике и этике, углубить исследования по данному вопросу.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан ПП-60 от 28

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 420.

января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ПП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и науки в новый период развития Узбекистана», УП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников», УП-3080 от 23 июня 2018 года «О мерах по созданию Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан», УП-3808 от 27 июня 2018 года «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан», УП-5040 от 26 марта 2021 года УП-5040 от 26 марта 2021 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы», а также постановление Кабинета Министров № 466 от 22 июня 2018 года «О мерах реализации и поддержки деятельности Международной исламской академии Узбекистана» и других нормативно-правовых актах, относящихся к сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информированного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.<sup>2</sup>** Ведущие мировые научные центры и высшие учебные заведения по изучению философских идей мыслителей Востока и их влияния на развитие философского мышления проводят фундаментальные исследования, в том числе, центр Al-Ghazali center (Великобритания), The Islamic Madhahib University (Тегеран), Columbia college Columbia university in the city of New York (США), Yale university (США), Imam Ghazali Institute (США), Санкт-Петербургский институт восточных рукописей (РФ). Существует ряд научных исследований, проводимых в мире по вопросам определения места имама Газали в развитии философских наук, в том числе ими получены следующие научные результаты: School of Oriental and African Studies University of London ([www.soas.ac.uk](http://www.soas.ac.uk)) и University of Cambridge с 1917 г. Издается журнал Bulletin of School of Oriental and African studies («Бюллетень школы восточных и африканских исследований»). В развитии взглядов Газали были проанализированы и научно обоснованы общественно-политическая ситуация и духовно-образовательная среда, причины кризиса его мировоззрения, исследованы взгляды мыслителя в рамках исторического метода, его общественно-политическая и философско-религиозная позиция.

В Оксфордском университете проводятся исследования с целью дать правильное объяснение исламского мира. Научно обоснованы место Газали в

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных исследований по теме диссертации <https://alghazalicentre.co.uk/>; (<https://www.tehrantimes.com/print/420318/>; <https://www.college.columbia.edu/core/content/al-ghaz/>; <https://religiousstudies.yale.edu/people/frank-griffel>; [www.soas.ac.uk](http://www.soas.ac.uk); <https://www.imamghazali.org/>; <http://www.orientalstudies.ru/>; <http://www.oxfordislamicstudies.com>; <https://www.bips.ac.uk>, а также подготовлен и на основе других источников

мусульманской научной и религиозной жизни, его онтологические и эпистемологические воззрения, его роль и место в Исламе, речь, логика, суфизм, его отношение к перипатетикам, его критика перипатетизма на Востоке, его вклад в объединении учения тасаввуф с сунизмом, связь между философией и религией, вопросы интеллекта и открытий.

В British institute of Persian studies издается онлайн журнал под названием «Иран». Здесь исследуется сущность его идей Теория «божественной милости» имама Газали, божественное знание, душа, религиозный опыт, причинность, свобода воли, развитие классической теории султанства, халифата, формирование суннитского политического учения, принципы уммы, проблемы обязанностей имамов и султанов в области религиозной, судебной и исполнительной практики.<sup>3</sup>

В мире проводится ряд исследований по изучению духовного наследия имама Газали, в том числе по следующим приоритетным направлениям: относительно споров Газали с философами; касательно дебатов Газали с исмаилитами; относящиеся к философии и логике; работы по морали; сравнительные исследования с использованием современных социологических методов; исследования, посвященные труду Газали «Возрождение религиозных наук»; исследование конкретных произведений мыслителя; комментарии к переводам.

**Степень изученности проблемы.** Религиозно-философское мировоззрение имама Газали, его политико-государственное искусство, право-этическое наследие, поучительный образ жизни, чудесные, притягательные тасаввуф-ирфан страдания, покаяния, возрождение Ислама и шариата всегда вызывали восхищение у всего человечества, отмечались мировыми исследователями, интенсивно изучаются и интерпретируются наука, философия, религия и тасаввуф как центр внимания. В частности, важны исследования ученых М. Буиж, П. Менаск, Н. Решер, Д. Селман, Д. Пирсон, К. Броккелман, Ф. Жабре, А. Паласиос, М. Смит, Г. Лей<sup>4</sup>.

В странах Содружества Независимых Государств исследованиями, проведенными такими учеными, как В. Наумкин, А. Сагадеев, Н. Кирабаев, Т. Ибрагим, А. Игнатенко, А. Ерохин, выявлено место имама Газали в мусульманском религиозном мировоззрении, которое приобретает историческое значение<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> <https://www.bips.ac.uk/>

